
МЕВЛЮТ ЧАВУШОҒЛУ: ХЎҚАНДИ ЛАТИФ МЕНИ МАФТУН ЭТДИ

Фарғона вилоятида меҳмон бўлиб турган Туркия ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушоғлу Қўқон шаҳрида ҳам бўлди. Бу ерда юқори мартабали меҳмонга Маданият вазири Озодбек Назарбеков, шаҳар ҳокими Маруфжон Усмонов ва бошқа бир қатор расмийлар ҳамроҳлик қилдилар.

Дастлаб меҳмонлар вилоятдаги илк хусусий олий ўқув юрти Қўқон университети фаолияти, талабалар учун яратилган шарт-шароитлар билан таништирилди. Олийгоҳ очиқ майдонида ёш ижодкорлар томонидан туркий тилда қўшиқлар куйланди ва унга ҳамоҳанг тарзда гўзал рақслар ижро этилди. Вазир шу ерда ёшлар билан ўз она тилида суҳбатлашди. Сўнгра университетга ташриф буюрган меҳмонларнинг ўз таассуротларини қолдирувчи ёдноммага тилакларини ёзди.

Кейинги манзил шаҳардаги машҳур тарихий обида, Худоёрхон саройи бўлди. Бу ердаги экспонатлар иштирокчилар эътиборини тортди. Ўрда ҳақидаги қизиқарли маълумотлар меҳмонларга ҳикоя қилиб берилди.

Мақом қўшиқлари, гўзал рақслар, бетакрор санъат намуналари ижроси йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Жомеъ мажмуасига ташриф давомида Туркия ташқи ишлар вазири Қўқон ҳолвасининг тайёрланиш жараёнига гувоҳ бўлди. Қўқон шаҳрининг бой тарихи, маданияти ва ҳунармандчилиги билан танишди. Айниқса, пичоқчи устанинг иши унда ўзгача таассурот қолдирди.

Меҳмонлар Хўқанди латифнинг азалий меҳмондўстлик анъаналарига яна бир бор гувоҳ бўлишди.

Кеч соатларда Мевлют Чавушоғлу Фарғонага ташрифини якунлаб, эртага бошланадиган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Тошкентга учиб кетди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-07-15 15:01:40